

УРУГЛИК БАРГЛИ САЛАТ (LACTUCA SATIVA L. VAR. CRISPA) ЎСИМЛИГИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАР

Турдиева Ферузахон Тиркашбоевна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институти, таянч докторанти

Аннотация:

Уруглик баргли салат (*Lactuca sativa L. var. crispa*) ўсимлигига учрайдиган заараркунанда ва касалликлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мақолада заараркунанда ва касалликларга қарши курашиш чоралари ёзилган.

Калит сўзлар: заараркунанда ва касалликлар, қарам бити, сохта уншудринг.

Адабиётлардан маълумки, баргли салат ўсимлигига бир қатор заараркунанда ва касалликлар учрайди. Бизнинг тадқиқотларимизда Андижон вилояти тупроқ-иқлиш шароитида уруглик баргли салатда учрайдиган заараркунанда ва касалликларни ўрганмаган бўлсакда, ўсимликларни ташки белгиларига қараб бу заараркунанда ва касалликларни мавжудлигини, уларга қарши кураш усууларини кузатиш асосида баён қилмоқчимиз.

Қарам бити ҳашароти жуда кичик бўлиб, унинг устки қисми парафинга ўхшаган сифат модда билан қопланган. Бу заараркунанда баргли салатнинг шарбатларини сўриб олиш билан унинг сифатини пасайтиради. Шикастланган барглар буришиб, юмшоқ бўлиб, умуман тўпбарг ҳосил қилмайди. Ушбу заараркунандага қарши курашишда ўтмишдош экинларни ҳосил қолдиқларини йиғишириб олиш, бегона ўтлардан тозалаш, ва заарарланган ўсимликларни ер майдонидан зудлик билан бартараф этиш керак бўлади.

Кўкат сабзвот экинлари, хусусан, баргли салат ўсимлигини етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари бу заараркунандага қарши Моспилан, нестор, протектор, 20% н.кук. – 0,02-0,03 л/га, (дельтометрин) делцис 2,5%, децис 10% - 0,035 л/га, (имидааклоприд) конфидор, багира,



когинор, компрадор, 20% к.э. – 0,05 л/га; моддалардан биронтасини сувда яхшилаб аралаштириб ҳосил йиғишдан 20 кун олдин пуркаш тавсия этилади.

Кимёвий ишлов берилган баргли салат экилган далаларга 2-3 кун ўтказиб ўсимликни стрессдан чиқариш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида таркибида гумин, фульво, гибберелл ва озуқа моддалар комплекси (N, P, K) таркибида микроэлементлар бор ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи моддаларнинг биронтаси билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ.

Уруғлик баргли салат ўсимликларини етиштиришда бир қатор касалликлар мавжуд.

Соҳта ун-шудринг касаллиги замбуруғлар орқали тарқалади ҳамда салатбаргларга катта зарап етказиши маълум. Касаллик ўсимликнинг барча ер устки қисмларини заарлайди. Дастреб уруғ паллаларида баргларининг устки томонида сарғиши-яшил рангли ноаниқ доғлар пайдо бўлади, баргларнинг остки томонида эса кучсиз, оқ ғуборли доғлар кўзга ташланди. Кейинчалик бу доғлар катталашиб, баргларни ҳам қоплаб олиши мумкин. Натижада барглар сарғаяди ва қуриб қолади.

Бу касалликка қарши кураш учун экин далаларида алмашлаб экишни жорий қилиш, ер майдонини ўсимлик қолдиқларидан тозалаш лозим бўлади.

Касалланган ўсимликларга кимёвий воситалардан Ридомил голд МЦ 68% - 2,5 кг/га, ва бошқа фунгицидларни ҳосилни йиғишдан 20 кун олдин пуркалади.

Баргли салатнинг жуда хавфли касаллигидан бири шиллиқли бактериоздир. Ушбу касаллик баргли салатнинг кўпроқ ёзги экиш муддатида учрайди. Касаллик бактериялари уруғликда, ўзаклари ичидаги ўсимлик қолдиқларидаги ёки ёндош ўсимликларда сақланади. Касаллик юқори ҳарорат бўлган вақтда бошланади ва бунда – баргли салат барглари сарғаяди, шиллиқланади ва охир-оқибат барглар чириши кузатилади. Шиллиқли бактериоз ўсиш даврида, пояларнинг пайдо бўлишидан бошлаб кўрина бошлайди.

Касалликни олдини олиш учун агротехник алмашлаб экишни жорий қилиш, қатор ораларига сифатли агротехник тадбирларни амалга ошириш, кўллатиб суғормаслик мақсадга мувофиқ. Биологик кураш

чораси сифатида Триходермин моддасини қўллаш ҳам ижобий натижалар бериши кузатилган. Баргли салат уруғларни экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим - 0,4 мл/кг, 31,2% Селес Топ - 0,4-0,6 мл/кг, 50% Фундозол - 2,0 мл/кг каби препаратлар билан дорилаш лозим.

Адабиётлар

1. Boboeva N. T. et al. The fight against avena fatua in the middle of a wheat field //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 2. – С. 62-64.
2. Shim, Chang Ki, et al. "Evaluation of lettuce germplasm resistance to gray mold disease for organic cultivations." The plant pathology journal 30.1 (2014): 90.
3. Sullieva S. X., G'Zokirov Q. The Structure of the Yield of Winter Wheat When Using Herbicides Against Weeds //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 11. – С. 37-40.
4. Sullieva S., Zokirov K. Biology of weeds //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 2. – С. 120-124.
5. Xurramovna S. S. et al. Use Atlantis Herbicide for Avena Fatua in the Middle of a Wheat Field //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 1. – С. 45-47.